# БИЗ ЎЗ КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗГА ИШОНАМИЗ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Нодавлат сектори, хусусий корхоналар иқтисодиётда муҳим ўринни эгаллаб турибди, ўрта ва кичик бизнес тез ривожланиб бормоқда. Аслида ўртаҳол мулк эгалари синфи шаклланмоқда. Қисқа қилиб, Ўзбекистонда бозор ислоҳотлари ва демократик янгиланишлар барқарор тус олди, дейиш мумкин. Бу ҳақда, менимча, республикамиз парламенти — Олий Мажлиснинг сўнгги сессиясида ҳам ишонарли тарзда гапирилди. Аммо, энг муҳими, буни фақат Ўзбекистондагина эмас, ундан ташқарида, олисда ҳам кўриб ва сезиб туришибди.

Бу айрим сиёсатчилар ва ахборот воситаларининг зардасини қайнатаётган иккинчи муаммодир.

Ўзбекистоннинг ютуқлари уларнинг ғашини келтирмоқда, бизнинг муаммоларимиз, хато ва нуқсонларимиз эса уларни хурсанд қилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, иштони йўқ тиззаси йиртиққа кулаверади.

Айрим Россия газеталарининг саҳифаларида пайдо бўлаётган турли уйдирмалар ва бўҳтонлар, сиёсатимизни бадном қилишга, миллатлараро нифоқ ва ишончсизлик уруғини сочишга қаратилган иғвогарлик ҳаракатлари ана шунга асосланган. Шу мақсадда бизнинг умумий тарихимиз, Марказий Осиёда яшаётган миллатлар ва халқларнинг тарихи тафтиш қилинмоқда.

Эркин матбуот хоҳлаган нарсани ёзишини, содир бўлаётган воқеаларни ўзича кўриб, уларга ўзича баҳо бериши мумкинлигини, ўз фаразлари бўлишини тушунамиз. Бу табиий ҳол. Лекин ўзини демократик ва маърифий деб ҳисоблаган бирорта мамлакатда атайлаб миллатлараро нифоқ чиқаришга, миллий қадриятларни таҳқирлашга қаратилган уйдирма ва бўҳтонлар, умумэътироф этилган мавжуд чегара ва ҳудудларни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги чақириқларга йўл қўйиб бўлмайди.

Биз ҳаммамиз оддий бир ҳақиқатни тушуниб олишимиз керак: мамлакатимизни ичдан емиришга уринишмоқда. Шу сабабли мен осойишталигимиз ва келажагимиз учун фақат Ўзбекистон халқлари билан бир қаторда, Қозоғистон ва Ўрта Осиё ҳудудида яшовчи барча халқларнинг ҳамжиҳатлиги, ҳамкорлиги ва бирлиги ҳам зарур, деб қатъият билан айтмоқдаман. Шу заминда яшайдиган ҳар бир кишининг онгига Туркистон бизнинг умумий уйимиз, деган муқаддас тушунчани сингдириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу уйни биз биргаликда асрашимиз лозим.

**Савол**. Гўё пул ислоҳоти бўлиши ва ўзбек сўмини қатъий валютага алмаштириш муаммолари тўғрисида тарқатилган миш-мишлардан мақсад нима деб ўйлайсиз?

**Жавоб**. Улар ҳам мен юқорида айтган мақсадларни кўзда тутишмоқда. Ўзбекистон ҳукумати ўтказаётган сиёсатни бадном қилишга, аҳоли орасида ишончсизлик ва шубҳа уруғини сочишга ва шу йўл билан республикадаги вазиятни беқарорлаштиришга ҳаракат қилишмоқда.

Бу саволга жавобан яна нималар дейиш мумкин? 1993 йилда биз муомалага чиқарган миллий валюта — сўм ҳозирги вақтда барқарор мустаҳкамланиш тамойилига эга. Бунга, аввало, ислоҳотларни амалга ошириш натижасида умумий иқтисодий барқарорлашиш, 1996 йилнинг бошларида кўзга ташланган ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатлари ва ички истеъмол бозорининг рақобатбардошли товарлар билан тўлдирилгани ёрдам бермоқда. Молиявий барқарорлик, давлат бюджетидаги камомад ҳажмининг жуда камлиги келишилган ҳолда бўлиши ўзаро тўловлар масалаларининг ҳал қилингани, давлат қарзининг йўқлиги ва энг муҳими — бизда иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар тўлашда қарзнинг йўқлиги ҳам ўз валютамиз барқарорлиги туфайлидир.

Бундан ташқари, миллий валюта — сўмнинг хорижий қатъий валютага нисбатан қийматининг барқарорлигини ҳам эътиборга олиш керак. Деярли барча вилоятларда, шаҳарлар ва туманларда сарфланаётган сармоя ҳажмининг тобора ортиб бораётгани, республика иқтисодиёти учун ҳаётий муҳим ишлаб чиқариш иншоотлари қурилаётгани ва ишга туширилаётгани ҳам миллий валюта барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Собиқ Иттифоқ ҳудудидаги бошқа мамлакатларнинг иқтисодиётида бундай барқарорликни кузатиш қийин.

Энг муҳими, миллий валютани мустаҳкамлашда мамлакат олтин-валюта захирасининг аҳамияти жуда катта. Мамлакатимиз фуқароларини ишонтириб айтишимиз мумкинки, бу хусусда ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак. Давлатимиз захиралари, қисқа қилиб айтганда, кўпайиб бормоқда. Буни, аввало, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва бошқа нуфузли халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар тасдиқламоқда.

Яна бир муҳим далилни келтириш мумкин. Ҳозирги вақтгача Ўзбекистонда қиймати 200 ва 500 сўмлик қоғоз пуллар ҳалигача муомалага чиқарилмагани ҳам пул ва молия тизими барқарорлигидан далолат беради. Бундай пуллар қатъий зарурат бўлган тақдирдагина муомалага чиқарилади. Айни пайтда бошқа қўшни мамлакатларда 5, 10 ва ҳатто 100 минг сўмлик пуллар кўпдан буён муомалада юрибди.

Хуллас, тарқатилаётган миш-мишлар ва ғаразли уйдирмаларга ҳеч қандай асос йўқ.

Пул муомаласида бизда ҳеч қандай муаммо йўқ, деб бўлмайди, албатта. Бу борада жиддий муаммолар ҳам мавжуд, лекин улар ҳал этиш ва назорат қилиш мумкин бўлган муаммолардир.

Ҳозир республикада сўмни нақдина ва нақдсиз қатъий валютага алмаштиришда тартиб ўрнатиш чоралари кўрилмоқда. **Бу чораларнинг ҳаммаси аввало чайқовчилик, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш коррупция ва порахўрлик ҳолларини бартараф этишга қаратилган.** Қисқа қилиб айтганда, яна бир бор такрорлайман: бу саъй-ҳаракатлар молия ва банк ислоҳотларининг бу муҳим соҳасида тегишли тартиб ўрнатишга хизмат қилади.

Айни пайтда шуни айтмоқчиманки, республикада сўмни қатъий валютага алмаштириш ҳажми камаймаяпти, аксинча кўпайиб бормоқда. 1995 йилда конвертациялаш ҳажми 1,3 миллиард АҚШ доллари бўлган бўлса, 1996 йилда сўмни қатъий валютага алмаштириш тахминан бир ярим баравар кўпайиб, 2 миллиарддан зиёд АҚШ долларини ташкил этади.

Таъкидлаш керакки, бу жараёнда хорижий шериклар билан биргаликда барпо этилган бирорта корхона ва қурилаётган ҳамда ишлаб турган супермаркетлар, республикамизга ички бозор учун зарур, такрор айтаман, зарур истеъмол моллари ва хизматларни олиб келаётган йирик воситачи ҳуқуқий шахслар, шунингдек, республикамизга илғор, замонавий техника ва технологияни етказиб бераётган қўшма сармоя лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этаётган шерикларимиз четлаб ўтилмаслиги ёки камситилмаслиги керак. Бу масалалар қатъий назорат остига олинади.

**Савол**. Ҳозирги пайтда жаҳон жамоатчилиги ва Афғонистонга қўшни мамлакатлар аҳолисининг диққат-эътибори бу мамлакатда содир бўлаётган фожиали воқеаларга қаратилган. Қўшни Афғонистонда вужудга келган вазиятни Сиз қандай баҳолайсиз?

**Жавоб.** Афғонистонда юз бераётган воқеалар барча мамлакатларнинг жамоатчилиги ва раҳбарларини, биринчи навбатда Афғонистонга қўшни бўлиб яшаётган кишиларни ташвишга солмай қўймайди.

Афғонистонда фуқароларнинг биродаркушлик уруши 18 йилдан буён давом этмоқда. Ўша вақтда айтилганидек, «ўз байналмилал бурчини бажариш», «халқаро империализм кирдикорларига йўл қўймаслик учун» совет қўшинлари чекланган қисмининг мустақил Афғонистон ҳудудига киритилиши бу урушнинг бошланишига асосий сабаб бўлган эди.

Бунинг оқибатида ўн минглаб собиқ Совет Армияси аскарлари ҳалок бўлди, майиб-мажруҳ этилди. Хароб бўлган тақдирлар, оналар ва аёлларнинг йиллаб, ҳатто ўн йиллар давомида ҳам тузалмайдиган ғамзадалиги ҳам ана шу уруш натижасидир. Юз минглаб нобуд бўлган афғонистонликлар, миллионлаб қочоқлар, ёндирилган шаҳар ва қишлоқлар, жафокаш Афғонистон халқининг тақдиридаги қонли воқеалар ва беадоқ ғам-алам шу уруш туфайлидир. Ҳадемай Афғонистон ҳудудидан совет қўшинлари олиб чиқиб кетилганига 9 йил тўлса-да, фуқаролар уруши тўхтагани йўқ, аксинча, авж оляпти.

Афғонистонда ҳокимиятни эгаллаш учун этник, ҳудудий ва диний гуруҳлар олиб бораётган уруш гоҳ у, гоҳ бу томоннинг вақтинчалик устунлиги билан давом этмоқда. Сиёсий партиялар ҳам, уларнинг етакчилари ҳам асосан аҳолининг турли этник гуруҳлари ва кучли қариндош тўдалар намояндалари бўлиб, уларнинг тарихи, ўзаро алоқаси, мақсадларини бир қарашда аниқлаш жуда қийин. Бунинг устига, фуқаролар уруши йилларида бу партиялар, этник ва диний гуруҳлар бир неча бор турли блокларга қўшилдилар — улар гоҳ қабилалараро зиддиятда иттифоқдош бўлдилар, гоҳ «жиҳод» ёки муқаддас уруш эълон қилиб, ўзларининг кечаги иттифоқдошлари билан ўзаро шафқатсиз кураш олиб бордилар ва олиб бормоқдалар. Ҳокимият учун бўлган бу аёвсиз қабилалараро урушда халқ манфаатлари, унинг бугуни ва эртаси четда қолиб кетмоқда.

Бу даврда Афғонистонда тинч яратувчилик меҳнатидан мосуво, асосан жанг қилиш ва одам ўлдиришни биладиган авлод кучга кирмоқда.

Бугунги кунда Афғонистон халқаро террорчиликнинг, қурол билан савдо-сотиқ қилишнинг хавфли манбаига, жаҳон бозорига асосан гиёҳванд моддалар етиштириб берувчи мамлакатлардан бирига айланди.

БМТ маълумотларига кўра, Афғонистонда йилига икки ярим минг тоннадан зиёд гиёҳванд моддалар етиштирилади ва турли йўллар билан дунёнинг кўплаб минтақа ва мамлакатларига тарқатилади. Афғонистон бугун бутун Марказий Осиё минтақасидаги, бутун дунёдаги ўта хавфли қарама-қаршилик ва портлашларнинг манбаидир. Буни кўплаб давлат ва халқаро ташкилотлар, биринчи навбатда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тушуниб ета бошлади.

Бизнинг имонимиз комилки, Афғонистондаги урушни фақат бир шартга амал қилгандагина тўхтатиш мумкин: Афғонистоннинг ички ишларига ҳеч ким аралашмаслиги керак. Ва биринчи навбатда Афғонистонда бир-бирига қарши курашаётган гуруҳларга ажал қуроллари етказиб беришни тўхтатиш лозим.

Қурол-яроғ етказиб бериш давом этар экан, Афғонистондаги урушни тўхтатиб бўлмайди. Айни шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгашига Афғонистонга қурол олиб киришни тақиқлаш тўғрисидаги таклиф билан чиқди.

Ўзбекистоннинг бу таклифи амалда барча буюк давлатлар, Европа парламенти, жафокаш афғон заминида биродаркушлик урушининг тўхталишига, тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишига тилда эмас, амалда манфаатдор бўлган яна кўплаб мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Биз бугун дунёда жуда кўп шов-шувга сабаб бўлган толибларни Афғонистонда бир-бирига қарши жанг қилаётган томонлардан бири деб биламиз. Чет эл оммавий ахборот воситалари уларнинг ўта мутаассиблиги, экстремистлиги, ўз рақибларидан аёвсиз ўч олиши, ҳокимият ва бошқарувнинг ўрта асрларга хос бўлган шафқатсиз усулларини нафақат Афғонистонда, балки унинг ташқарисида ҳам ўрнатиш режалари борлиги ҳақида кўп ёзмоқда.

Табиийки, Кобулда ва бутун Афғонистонда ҳукм сураётган бундай аҳвол барчамизни ташвишлантирмай қолмайди. Биз Афғонистоннинг ички ишларига аралашиш фикридан йироқмиз. Бироқ, ҳарбий ҳаракатлар бизнинг жанубий сарҳадларимизга яқинлашаётган пайтда чегараларимизнинг ва мамлакатимиз ҳудудининг хавфсизлиги учун хавотирланмаслигимиз ва ташвишланмаслигимиз мумкин эмас.

Шу йил 4 октябрь куни Алматида бўлиб ўтган Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон давлат бошлиқларининг Россия Бош вазири В. Черномирдин билан бўлган учрашувида бу ҳақда гапирилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Биз Афғонистондаги уруш мамлакатимизда истиқомат қилаётган одамларнинг тинч меҳнати ва осойишталигини бузмаслиги учун зарур бўлган ҳамма ишни қиламиз. Ва бунинг учун бизда етарли куч ва имкониятлар бор.

Яқинда матбуот саҳифаларида гўё толиблар бошқа кучлар билан бирлашиб, шимолга қараб ҳаракат қилинаётгани, жумладан Ўзбекистон ҳудудининг Бухорогача бўлган қисмини эгалламоқчи эканни ҳақидаги гапларни ҳеч қандай асосга эга бўлмаган сафсата деб ҳисоблайман.

**Биринчидан,** ҳозир қўшни мамлакатларнинг ҳудудига қандай кўринишда бўлмасин, даъво қиладиган замон эмас. Умуман, ўзи бундай баёнотнинг бўлганига ҳам ишониш қийин.

**Иккинчидан**, хоҳлаймизми-йўқми, бундай баёнотлар давлатлараро муносабатлардаги танглики янада чуқурлаштиради ва ноўрин хавотир уйғотади. Баъзида эса аҳолининг маълум қисмида таҳликали кайфият туғилишига ҳам сабаб бўлади. Бунга эса мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

**Учинчидан,** бугун Ўзбекистон ўз Қуролли Кучларига эга бўлиб, халқимизнинг қудратли кучига, қўллаб-қувватлашига, халқаро жамоатчиликнинг, дўстларимизнинг куч ва имкониятларига таянган ҳолда, кимки бизнинг заминимизга, мустақиллик ва суверенитетимизга кўз олайтирса, унга муносиб зарба беришга қодирмиз, деб айтиш учун бизда ҳамма асослар бор.

**Ва ниҳоят, бугун ёки эртага Кобулда ҳокимият тепасига ким чиқишидан қатъи назар, ўзаро курашаётган томонларга бир нарса аён бўлиши керак. Афғон фожиасини сиёсий, тинч йўл билан ҳал қилишдан ўзга чора йўқ. Уруш ва қурол билан бу муаммони ҳал қилиб бўлмайди.**

Фақат барча қарама-қарши курашаётган томонлар, ҳамма этник, ҳудудий ва диний гуруҳлар иштирокидаги сиёсий, тинч музокаралargина Афғонистоннинг ички муаммоларини ҳал этиши мумкин.

Бу музокаралар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳомийлиги остида, Ислом конференцияси ташкилоти ҳамда бошқа манфаатдор халқаро ташкилотларнинг иштирокида ўтказилиши керак.

Бу урушга барҳам беришнинг ягона йўлидир.

---

*МАТБУОТ СЎЗИНИНГ ТАЪСИРИ*

## «МЕНИНГ НАФСИМ БАЛОДИР...»

**Деҳқончилик ҳалолликни, тўғриликни хушлайди. Кейинги пайтларда «Қишлоқ ҳаёти» рўзномасида республикамизнинг турли жабҳаларида тер тўкиб меҳнат қилаётган ҳалол, пок деҳқонлар фаолияти ҳақида, уларнинг ютуқлари, иш тажрибалари тўғрисида мақолалар, лавҳалар чоп этилмоқда. Шу билан бир қаторда ҳаётда онда-сонда бўлса-да учраб турадиган нопок, қўли эгри, нафс балосига учраб боболдеҳқоннинг қалб кўри, пешона тери эвазига етиштирган бойлигига кўз олайтирувчи айрим кимсаларнинг хатти-ҳаракатларини фош этувчи танқидий мақолалар ҳам газета саҳифаларидан ўрин олмоқда.**

**Куни кеча рўзноманинг 52-сонида чоп этилган «Менинг нафсим балодур...» танқидий мақоласига Наманган вилояти Уйчи тумани ҳокимлигидан жавоб хати олинди. Унда шундай дейилади:**

«Қишлоқ ҳаёти» газетасида босиб чиқарилган «Менинг нафсим балодир...» мақоласи туман ташкилотлари ҳамда хўжаликлари раҳбарлари иштирокида ўқиб чиқилди ва туман ҳокимлиги «Ғалла» штаби йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди.

Мақолада ёзилган «Улуғбек» номли жамоа хўжалиги пудратчиси Тўхтасин Туйчиев томонидан ўзлаштирилган буғдой жамоа хўжалигига қайтарилиб, у эгаллаб турган вазифасидан озод этилди ҳамда маъмурий жазо олди.

Бундан ташқари ушбу мақола барча қишлоқ хўжалиги корхоналари ва бошқа ташкилотларнинг кенгайтирилган йиғилишларида ўрганиб чиқилиб, бундай хунук ҳолатларнинг бошқа қайтарилмаслик чора-тадбирлари белгиланди.

**Уйчи тумани ҳокими Т. МИРЗАМАҲМУДОВ.**

---



**Тангир Боймуродов Булунғур районидаги «Ғалабанинг 40 йиллиги» жамоа-ширкат хўжалигининг суяги меҳнатда қотган миришкор деҳқони. У жамоа боғидан 2 гектар мевазорни ижарага олиб, «Тангир» оилавий боғбон-фермер хўжалигини тузганди.**

**Азаматлар мевали дарахтларни меҳр билан парвариш қилиб, мўл ноз-неъмат етиштирдилар. Оила аъзолари ҳосилнинг биттасини ҳам нест-нобуд қилмай йиғиштириб олмоқдалар. Шу кунгача улар йиғиб олган мева 30 тоннадан ошиб кетди.**

**СУРАТДА: оилавий боғбон-фермер Тангир Боймуродов (чапдан) ўз фарзандлари даврасида. Т. ДАВЛАТОВ олган сурат.**

---

## КУЗГИ ДОН ПАРВАРИШЛАНМОҚДА

Машинамиз Алишер Навоий номли хўжалик ҳудудидан ўтиши билан кенг далада экиш агрегатларини тиркаб олган тракторларга кўзимиз тушди. Тепаликда бир неча киши нималар биландир банд. Бу ерда бизни бригадир Мирсовут Мирюнусов ва бир неча деҳқонлар қарши олишди.

— Вақт ғанимат, эрта-индин ғалла экишни тугалламасак, ишимиз орқага сурилиб кетиши мумкин, — дейди Мирсовут Мирюнусов. — Одамларимизнинг бир қисми қўшни туман пахтакорларига ёрдамга кетишган. Мана, шу уч тракторчию икки ишчи билан 300 гектардан кўпроқ ерга уруғ қадаш учун ҳаракат қиляпмиз. Ҳаракатда баракат бор.

«Бирлик» жамоа хўжалигининг тажрибали бригадири Мирсовут Мирюнусов меҳнаткаш, бир сўзлик, одамлар билан тез тил топишиб кета оладиган йигит. Асли Паркентнинг Номдонак қишлоғидан. Бир неча ўн йиллардан бери Оҳангароннинг «Бирлик» жамоа хўжалигида деҳқончилик қилади. Авваллари сабзавотчилик, картошкачилик ва полизчилик билан шуғулланди, кейинги йилларда фақат картошка етиштириш билан машғул бўлаётир. Бу йил эса ғаллачиликда ҳам омадини синаб кўришга ўтди.

Мирсовут Мирюнусов ишчилар билан бамаслаҳат ерларни ғалла экишга тайёрлашга киришди. Айрим сифатсиз ҳайдалган ерларни қайта шудгор қилди, сув чиқмайдиган тепаликларни бульдозерлар билан текислади, ариқ-зовурларни қайтадан тозалашди. Бир неча кундирки, бригадада ғалла экиш авжида.

— Бутун умрим ғаллачилик билан ўтган десам ишонаверинг, — деди деҳқонлардан бири биз билан суҳбатда. — Бироқ, ўтган йилларда айрим ношуд деҳқонлар ерга уруғликни белгиланганидан оз сепишарди. Натижада ҳосилдорлик камайиб кетди. Биз ҳар куни бригадир билан ҳисоблаб чиқаяпмиз, ҳар гектар ерга 235 килограмм уруғ тушаяпти. Демак, келгуси йили оз деганда гектаридан 35-40 центнердан ҳосил кутиш мумкин. Уруғ сифатли дориланган ҳолда экилмоқда.

Бригадир билан даланинг нариги чеккасига бордик. Бу ерда, 22 гектарлик пайкалга уч томондан сув тараш кўзда тутилмоқда. Бу албатта, деҳқонларга катта қийинчилик туғдиради. Ариқчалардан жилдираб оқаётган оби-ҳаёт билан дала соз суғорилмоқда.

— Биринчи сувда гап кўп, — дейди Мирсовут. — Агар мана шу сафар ариқлар ўзани бузилса, кейин уни тузатиш қийин, экинлар «ола» суғорилиб кетилаверади. Шу боисдан ҳам биринчи суғоришга алоҳида эътибор бераяпмиз...

Кечаги дам олиш куни Оҳангарон бозорида Мирсовутни кўриб қолдим. Уни суҳбатга чорладим.

— Ғаллани экиб бўлдик, ярмидан кўпини биринчи сувдан ҳам чиқардик, — деди у мамнун ҳолда. — Баъзи ерларда ҳатто майсалар ниш урди.

**Мўмин ҚАЮМ.**

---

*Internet ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ*

### АФҒОНИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

**КОБУЛ. (Си-Эн-Эн).** Шу йилнинг сентябри охирида Кобулни эгаллаган толибонлар мамлакат пойтахтини 20 километр яқинликка келиб қолган ҳукумат қўшинларидан ҳимоя қилишга чоғланмоқдалар. Шаҳардаги кўплаб дўконлар ва савдо расталари ёпиб қўйилган. Кузатувчиларнинг таъкидлашларича, толибонлар кейинги кунларда аҳолига нисбатан янада қўпол муомалада бўлмоқдалар.

**КОБУЛ. (Франс Пресс)**. Мамлакат пойтахтига Покистон ташқи ишлар вазири Н. Барбар бошчилигидаги юқори доирадаги делегация ташриф буюрган. Расмий манбаларнинг хабарига кўра, Покистон делегацияси Толибон раҳбарлари билан музокаралар ўтказиши кўзда тутиляпти.

### ҲАЁТ ТАРЗИ ПАСАЙМОҚДА

Софияда аҳоли яшаш тарзи 1996 йилга келиб уч баравarga ошди, деб хабар қилади «Континент» газетаси.

Тўрт кишилик оила йилига киши жон бошига 991,522 левдан (4,593 доллар) сарфлайди. Шу йил сентябрь ойида ҳар кишининг сарф-харажати 20,658 левни ташкил этган бўлса, шу маблағнинг тенг ярми озиқ-овқат маҳсулотлари учун кетади. Болгарияда айниқса, аҳоли кўп эҳтиёж сезадиган нон ва пишлоқ маҳсулотларининг нархи охирги уч ойда икки баравар ошганлиги аҳоли турмуш даражасининг пасайишига сабаб бўляпти. Шу жумладан, «Дума» газетасининг ёзишича, Болгарияда охирги етти йилда туғилиш 600 минг нафар кишига камайди.

Аҳоли орасида ўтказилган сўровлар шуни кўрсатмоқдаки, этник тузилиш бузиляпти. Болалар ўртасида енгил-елпи яшашга ҳавас ортяпти, наркотик моддалар истеъмоли, жиноий ишлар содир этиш ҳоллари ҳам кузатиляпти.

### РИМ ПАПАСИ СОҒАЙИБ ҚАЙТДИ

Рим папаси Иоан Павел сешанба куни Ватиканга қайтди. Павелни жарроҳлик йўли билан даволаган врачнинг таъкидлашича, қариянинг аҳволи яхши.

76 яшарлик Рим папаси шифохонадан соғайиб чиқсада, бундан буён қатъий врач назорати остида яшаши таклиф қилинди.

# БУЮК СОҲИБҚИРОН ҚУДРАТИГА ҚОЙИЛДИР ЖАҲОН

## ШАРҚУ ҒАРБ ТАРИХИНИНГ ОТАСИ

**Амир Темур ва темурийлар даврига оид ёзма манбалар сирасида XV аср араб тарихчиси Ибн Арабшоҳнинг (1389—1450) «Ажоиб ал-мақдур фи тарих Таймур» («Темур тарихида тақдир ажойиботлари» — у «Амир Темур тарихи» номи билан машҳур) асари алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўша давр анъаналарига мувофиқ ёзилган кўп асарлардан фарқли ўлароқ Ибн Арабшоҳнинг бу асари Амир Темур фаолиятини холис баҳолаганлиги билан ажралиб туради. Узоқ йиллар (1401—1408) Самарқандда яшаган Ибн Арабшоҳ асарида келтирган маълумотлар унинг шахсий мушоҳадалари, ўша даврда содир бўлган воқеаларнинг жонли гувоҳлари ҳикоятларига асосланган.**

**Ибн Арабшоҳ асаридан айрим лавҳаларни ҳурматли ўқувчиларимиз диққатига ҳавола этмоқдамиз.**

### ИБН АРАБШОҲ ҲИКОЯСИ

Қачонки мен 889 йил рабий ул-аввал ойининг бошларида (26 сентябр, 1435) Рум ерлари томон йўл олиб, Ҳамога етганимизда, унинг Шарқ тарафидаги жомеи Нурийнинг қибла (томони) деворида бир (парча) мармар тошда форсча ёзилган бир нақшни кўрдим. Мана унинг таржимаси: «Ушбу сатрларнинг суратга солиниш сабаби (шундай): «Гап шундаки, Тангри таоло бизга мамлакатларни фатҳ қилишни муяссар кўрсатдики, ҳатто биз Ироқ ва Бағдодгача (ҳамма) ерларни батамом эгалладик. (Шу билан) биз Миср султонига қўшни бўлдик ва унга мактуб ёздик ҳамда турли-туман туҳфаю ҳадялар билан унга чопарларимизни юбордик. У бўлса ҳеч бир заруратсиз чопарларимизни ўлдирди. Бундан мақсадимиз — икки томон орасида дўстлик (ипи)ни боғлаш, икки тараф ўртасида садоқат (борлиги)ни таъкидлаш эди. Сўнгра, бундан бир оз (муддат) кейин баъзи туркмонлар бизнинг томонимиздаги кишилардан айримларини тутиб олиб, уларни Миср султони Барқуққа юбордилар. Султон уларни зиндонга солиб жабрлади. Мана шунга биноан мухолифларимиз чангалидан ўз фуқароларимизни халос қилиш мақсадида биз йўлга чиқдик. Шу сабабли бизнинг Ҳамода манзил тутишимиз 803 йил раббий ул-охир ойининг йигирмаларига (8 декабр, 1400) тўғри келди».

Қачонки, султон ўз аскари «юзланган кемасини» қўзғаттач, қозилар қозиси Валиуддин Абдурраҳмон Ибн Ҳалдун Темур аскарлари денгизига тушиб қолди. У энг машҳур аъёнлардан ва (Мисрдан) султон билан бирга келганлардан (бири) эди. Қачонки, султон гўё ғафлатда бўлгандек эшилиб, узилиб кетгач, Ибн Ҳалдун тузоққа тушиб қолди. У Одилия мадрасасида истиқомат қиларди. Ўша (юқорида ишора қилинган) аъёнлар бу масала тадбирида Ибн Ҳалдун ҳузурига юзландилар. Натижада, унинг фикри улар фикрига мувофиқ келиб, аъёнлар бу борада ўз ихтиёрларини унга топширдилар. Уларга Ибн Ҳалдунни ўз суҳбатларига олишдан бошқа илож бўлмади. Ибн Ҳалдун мазҳаб ва манзарда моликий, ривоят ва хабарда асмоий эди. У енгил саллада, зариф бир суръатда, қоронғи кечадек тим қора, ўзидек нозик хошияда бурнусда улар билан йўлга тушди. Аъёнлар Ибн Ҳалдунни пешвоз тутиб, унинг ўзларининг фойдаю зарарлари борасида айтадиган сўз ва феълларига рози бўлдилар.

Улар Темур ҳузурига кирганларида унинг олдида тик туриб, шу ҳолатда давом этдилар ва Темур (уларга) ўтиришга рухсат қилиб, қалбларига таскин бермагунча улар ҳадиксираб, қўрқиб турдилар. Кейин Темур уларга жилмайиб табассум билан мурувват қилди ва (улар) ҳолатларини кузатиб, ўз ақли мезони билан уларнинг сўзларию ишларини (ҳаракатларини) ўлчай бошлади. Ибн Ҳалдуннинг ўзгалардан фарқ қилишини кўргач, Темур: «—Бу одам бу ерлик эмас», — деди. Натижада, суҳбат учун мажол очилиб, Ибн Ҳалдун тилини ейиб юборди. Кейин калом бисотини йиғиб, таом дастурхонини ёйдилар, қайнатилган гўшт уюмларини уюб, ҳар бир киши олдига ўзига лойиғини қўйдилар. Баъзилар тортиниб таомдан ўзини тийди, баъзилар ўзини гўё суҳбат билан машғул кўрсатиб (таомга) эътибор қилмади, баъзилар эса қўл узатиб (овқат) еяверди ва овқат ютиш жангида қўрқмади ва тортинмади ҳамда ўзгаларни ҳам таомга ундаб уларга нидо қилди ва мана шу мисраларни нашида этди:

Овқатдан шундай енгки, ҳаёт қолса ўз аҳлига сўзлаб берадиган киши каби (енг),
Агар ўлса Тангри ҳузурига қорин тўқ
бўлиб борадиган даражада (овқат) енг!

Таомдан тановул қилганлар жумласидан қозилар қозиси Валиуддин (Ибн Ҳалдун) ҳам бор эди.

Мана шу (иш)лар жараёнида Темур уларни кузатар ва қисиқ кўзлари уларга ўғринча қарар эди. Ибн Ҳалдун ҳам кўз қирини Темур томонга ташлар, қачонки Темур унга қараса Ибн Ҳалдун бошини қуйи эгар, Темур ундан тескари бурилса, Ибн Ҳалдун унга кўз югуртирар эди. Кейин Ибн Ҳалдун нидо қилиб дадил овоз билан «Э, мавлоно Амир! Буюк ва улуғ тангрига ҳамдлар бўлсин! Мен ўз ҳузурим билан инсоният подшоҳларини мушарраф этдим ва ўз тарихларим билан уларнинг ўчиб кетган кунларини барҳаёт қилдим: (мен) араб подшоҳларидан фалон ва фулонни кўрдим, фалон ва фулон султонлар ҳузурида бўлдим; дунёнинг мағрибию машриғини мушоҳада этдим, ернинг ҳар бир бурчагида мен унинг амирию ноиби билан муносабатда бўлдим. Лекин Тангридан миннатдорманки, у менинг кунларимни узайтирди ва у мени (қайтадан) тирилтириб мурувват кўрсатдики, ниҳоят мен ҳақиқий подшоҳ ким эканини кўриб, салтанат шариатида тўғри сийратли маслакни руият этдим. Агар (ўзга) подшоҳлар таоми талафотни даф этиш учун тановул қилинса мавлоно амирнинг таоми шунинг учун ва (яна) фахру шарафга муяссар бўлиш учун тановул қилинади», — деди.

Шунда Темур таажжубдан бениҳоя завқланди ва оз бўлмаса қувончидан рақсга тушиб кетаёзди. У хитоб юзини Ибн Ҳалдунга қаратиб суҳбатда бошқаларга эмас, фақат унга таянди. Темур ундан араб подшоҳлари ва улар ҳақидаги хабарлардан, (улар) давлатлари рўзғори ва ривоятларидан сўради. Шунда Ибн Ҳалдун Темурга унинг ақлини маҳлиё қилиб, мафтун этадиган ва зеҳнини чулғаб, ҳайратга туширадиган ҳикоятлар ривоят қилди. Темур эса подшоҳлар ва халқлар сийратларида билимдон, шарқу ғарб тарихининг отаси ва онаси эди.

**Убайдулла УВАТОВ таржимаси.**



Амур Темур меъморлар даврасида.

**Мусаввир Маҳмуд ЖЎРАЕВ.**

## ЙИГИТЛИК БУРЧИ

### АМИР ТЕМУР ҲАЙКАЛИ ПОЙИДАГИ ЎЙЛАР

**Озор бермам беозор жонга,**
**Ўч эмасман шуҳратта, шонга,**
**Шукур қилгум бир бурда**
**нонга,**
**Қиличингни бергил, бобожон!**

**То бор экан билакда кучи,**
**Қилич тутиш — йигитнинг**
**бурчи,**
**Занглмасин яшинвор учи,**
**Қиличингни бергил, бобожон!**

**Чўғ қалбимда ўйлар тиқилинч,**
**Турондунё то яшасин тинч,**
**Қилич билан ёндош ғам,**
**севинч,**
**Қиличингни бергил, бобожон!**

**Мустақиллик шаънин**
**қўриқлай,**
**Ўзлигимни ўзим йўриқлай,**
**(Қайга боргум бетиғ**
**қўриқлай!),**
**Қиличингни бергил, бобожон!**
**Хавф-хатарни билмасин таним,**
**Бир одимда минг битта ғаним,**
**Ранжимасин юрагим маним —**
**Қиличингни бергил, бобожон!**

**Нормурод НОРҚУЛ.**



## БАҲСЛАР ЯКУНИЙ ПАЛЛАГА КИРДИ

Олий табақа жамоалари турнир жадвалига назар ташланса, қатор жиҳатлар эътиборни тортади. Биринчидан, олтин медалларга асосий даъвогарлар маълум: «Навбаҳор» ва «Нефтчи» маррага тўрт тур қолганида уз рақибларини 14 ва 11 очкога орқада қолдиришмоқда. Равшанки, қолган учрашувларда уларга етиб оладиган жамоа пайдо булишига ишониш қийин. Энг яқин таъқибчи — МҲСКнинг ўйини унчалик қовушмаётгани инобатга олинса, утган йилги кубок соҳиби ва биринчилик ғолиби олтин медаллар тақдирини узаро сиртқи баҳсда ҳал қилиши турган гап.

Учинчи ўрин тўғрисида бундай деб бўлмайди. Гарчи армиячилар беш очко фарқ билан олдинда бораётган бўлсада, «Нурафшон» ҳам, «Дўстлик» ҳам, «Пахтакор» ҳам омад юришган тақдирда бронза медалини қўлга киритиши эҳтимолдан йироқ эмас. Йигирма олтинчи турда бухороликлар Тошкент вилояти футболчиларига ютқазиб қўймаганларида ҳозир армиячилардан борйўғи икки очко орқада қолишаётган буларди. Лекин бу йилги мавсумда дадил қатнашаётган «Дўстлик» чарм тўп усталари Бухорода «Нурафшон»ни 2:1 ҳисобида мағлуб этиб, мухлисларни ҳайратга солишди.

Аксинча, олдинги ўйинда пешқадам «Навбаҳор»ни доғда қолдиришга муваффақ бўлган «Пахтакор» Муборакда «Машъал»га 2:3 ҳисобида ютқазиб қўйди. Бу ғалаба «Машъал»га хавфли зонани тарк этиш имконини берган бўлса, мағлубият «Пахтакор»нинг медаллар учун баҳсини мураккаблаштирди.

«Суғдиёна» ҳам кейинги тўрт ўйинда ўн очко жамғариб, турнир жадвалининг қуйи қисмидан хийла кўтарилиб олди. Жиззахликларнинг жами очколари 30 тага етганлиги ҳисобга олинса, олдинги 22 ўйинда қанчалик куп имкониятлар бой берилганлиги яққол сезилади. Нима бўлганда ҳам, «Суғдиёна» унақа-бунақа командага ён босавермайдиган «Трактор»ни Тошкентда 1:0 ҳисобида енгди.

Узоқ муддат аутсайдерлар сафида бўлиб келган Самарқанд динамочилари ҳам янги мураббий С. Доценко раҳнамолигида мавқеини яхшилаб боришмоқда. Мазкур турда «Динамо» Андижоннинг «Наврўз» клубидан 2:1 ҳисобида устун келди ва тўпланган очколарини 30 тага етказиб, тўққизинчи ўринга кўтарилди.

Эндиликда кучлилар сафини тарк этадиган икки жамоа ҳам маълум бўлиб қолди. Қатор ғалабалардан сўнг охирги ўринни тарк этишга муваффақ бўлган Урганч динамочиларидан омад яна юз ўгирди: кейинги беллашувларда команда нуқул мағлубият аламини тотмоқда. Бу сафар «Динамо» Фарғонада ўз дарвозасидан олти жавобсиз тўп ўтказиб юборди. Бундай ўйин билан рақибларга етиб олиб, кучлилар сафида қолишдан умидвор бўлиш қийин.

Сўнгги поғонани банд қилиб турган Термиз армиячилари нажот йўқлигини билсалар-да, «Янгиер» билан беллашувда бўш келишмади. 1:1 ҳисоби иккала командани ҳам қониқтирмаган бўлса-да, учрашув кескин ўтганлигидан далолатдир.

Марғилоннинг «Атласчи» клуби «Навбаҳор»ни доғда қолдиришга астойдил ҳаракат қилди. Лекин пировард натижада «Навбаҳор»нинг қўли баланд келди — 2:1.

Якунловчи тўрт тур олдидан командаларнинг мавқеи:

1. «Навбаҳор» — 66
2 «Нефтчи» — 63
3. МҲСК — 52
4. «Нурафшон» — 47
5 «Дўстлик» — 46
6. «Пахтакор» — 45
7. «Атласчи» — 36
8. «Трактор» — 35
9. «Динамо» (С) — 30
10. «Янгиер» — 30
11. «Суғдиёна» — 30
12. «Наврўз» — 29
13. «Машъал» — 25
14. «Косонсой» — 24
15. «Динамо» (У) — 18
16. АСК — 17

**Шермуҳаммад ЙЎЛДОШ ўғли.**

## ГЎЗАЛ РАНГЛАР

Ниҳоят орзиқиб кутилган қувончли дақиқалар келди. Юртимизда бобомиз Соҳибқирон Амир Темур тўйи тантаналари бошланаяпти. Бу улуғ айёмга халқимиз кўп ҳозирлик кўрди. Унинг дастлабки шодиёналари Оврўпода бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислом Каримов бошчилигидаги делегация иштирок этиб қайтди. Энди унинг якунловчи давраси Ўзбекистонда бўлиб ўтмоқда. Ҳозир шу айёмга бағишлаб жойларда хилма-хил учрашувлар, қизиқарли кечалар уюштирилаяпти. Жаннатмакон ўлкамизда байрам нафаси кезмоқда. Шундай бир шукуҳли кунлар арафасида Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси «Хамар» халқаро марказида Амир Темур ва темурийларга бағишланган кўргазма очилди. Ундаги мўйқалам соҳибларининг Амир Темур ҳаёти ва темурийлар даври, улар хонадонидаги ақл-заковатли, тадбиркор, ҳусн-латофатли аёлларнинг давлат бошқаришидаги, ижтимоий ҳаётдаги, қурилишлардаги фаол иштироки акс эттирилган асарлари таҳсинга сазовордир. Буюк ипак йўли тасвирланган рангли суратлар ҳам кишини бефарқ қолдирмайди. Бу суратларга ўтмишимиз муҳрланган. Мусаввирлардан А. Ҳақназаровнинг «Оқ сарой», Т. Саъдуллаевнинг «Амир Темур ва Бибихоним», Й. Турсунназаровнинг «Рухобо маҳбараси», Ч. Бекмировнинг «Ипак йўли», З. Фахрутдиновнинг «Амир Темурнинг ғалаба онлари» тасвирларидаги гўзал ранглар кўксимизни фахрга тўлдирди. Кўргазма пештоқидан ихчам ҳайкалчалар ва Соҳибқирон сурати туширилган вазалар ҳам ўрин олган. Айниқса, Т. Эсонов, Т. Ерқулов, М. Мусабоев сингари ҳайкалтарошлар яратган санъат асарларини кўриб тасаннолар айтасиз. Табиийки, кўргазмага ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотаяпти. Биз буни томошабинлар билан суҳбатлашганимизда аниқ сездик.

— Бу расмлар ранг-баранглиги билан томошабинларни ўзига жалб қилади, — дейди Тошкент Давлат университетининг катта ўқитувчиси, санъатшунос Афтондил Эркинов. Яхши томони шундаки, Амир Темур ва темурийлар даври мавзусига бир вақтнинг ўзида ўнлаб мусаввирлар турли кўринишларда суратлар чизишган. Биринчи марта ўзбек рассомчилигида батализм, яъни жанг лаҳзалари солинган суратлар тасвирланган. Илгари бундай жанрда ижод қилиш бизда деярлик йўқ эди. Кўргазмада ҳам бундай суратлар илк бора қўйилаяпти.

Экспонатларни кўздан кечирган томошабин бир ҳақиқатни илғаб олиши қийин эмас. Расмларнинг кўпчилигида рамзийлик кучли. Бу эса мазмуннинг чуқурлигини англатади. Томошабинни Эркин Машариповнинг ҳамда Улуғбек Солиҳовнинг рамзий суратлари ўйлатмай қўймайди. Мўйқалам соҳиблари темурийлар давридаги инсонлар ҳиссиёти ва фикр оламини ҳаётий тасвирлашга уринишган. Кўргазмага қўйилган асарларнинг кўпчилиги чинакам истеъдод меваси. Уларда халқимизнинг орзу ўйлари, улуғ сиймолари, қадимий шаҳарларининг чиройи манзаралари гавдалантирилган. Бир қарашда профессионал суратни англаш қийин эмас. У офтобдек чарақлаб туради.

Навбатдаги суҳбатдошимиз Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси аъзоси, таниқли мусаввир, кўргазмадаги «Алишер Навоий Гўри Амирда», «Амир Темур», «Улуғбек Бибихоним мадрасасида» картиналарининг муаллифи Раҳимжон Ризамуҳамедов бўлди.

— Юртимиз тарихида биринчи марта бундай катта кўргазма очилди, — дейди у. — Бунда кўплаб рассомлар қатнашаяпти. Маданиятимизда ривож бошланди. Шунингдек, тасвирий санъатда ҳам. Энди дурдона асарлар яратилади.

Ўзбекистон халқ рассоми Нигмат Қўзибоев картиналарида Испания элчиси Гонзалес де Клавихонинг Амир Темур ҳузурида бўлиши, мусаввир Муборак Йўлдошев чизгиларида эса Хўжа Ҳофизнинг Соҳибқирон билан суҳбати тасвирланган. Суратларда тарихий ҳақиқат гавдалантирилган.

— Биз бир гуруҳ ўқитувчилар ўқувчиларни кўргазмага олиб келган эдик, — дейди Акмал Икромов туманидаги 197-мактаб ўқитувчиси Нафиса Шамсиева, — Суратлар болаларда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистон халқ рассоми Малик Набиевнинг суратлари уларни мафтун этди. Уларда ўша замон руҳи мужассам.

Кўргазмани томоша қилган юртдошларимиз хушнудлик билан унинг ижодкорларига миннатдорчилик билдиришмоқда.

Мамлакатимиз эркинлик шабадасидан руҳланиб, юксак тараққиётга юз тутмоқда, тарихда ўтган буюк ўғлонларининг ҳурмат-эътиборини жой-жойига қўймоқда. Адолатни тиклаган халқ ҳамиша ғолибдир.

**Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

## ИЛОҲИЙ ИНОЯТ

Помир ва Ҳисор тоғ тизмаларига туташган тоғ-тошлар бағрида бир макон борки, апрелнинг бошларида ҳам бу ерлар қалин қор кўрпаси остида ухлаб ётади. Бу ерлардан Бовурчи қояларини кузатиш завқли. Унинг юқорисидаги учли чўққилар пасайибпасайиб бошқаларига қўшилиб кетади. Қоялар худди арранинг тишларини эслатади. Шу боис Ҳисор тоғининг бу чўққиларини Аррафот тоғи дейишади. Халқ тилида асрлардан бери нақлларга айланиб кетган машҳур манзил Амир Темур ғори ҳам, Динозавр ёхуд Дудулнинг излари ҳам шу ўрамда — Бовурчи чўққилари биқинида жойлашган.

Соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолияти, ҳарбу зарблари ҳақидаги илк тарих китобларида унинг болалиги, ўсмирлиги ва йигитлик даври ҳақида жуда оз маълумот берилган. «Зафарнома»ларда Соҳибқирон бирданига яроғланган, лашкарга бош амир жангу жадаллар гирдобида намоён бўлади. Хўш, рақибларини доимо лол қолдирган, ўз маҳорати ва жасорати билан шон ва шавкатларга чулғанган қўшинга қаерда тартиб берилди? Худди шу Аррафот тоғида-да! Аррафот тоғи лашкаргоҳи — рақиб кўзидан пана, чекка тоғлар, қоя ва чўққилар қўйнига беркинган бир гўша. қўшинга шу гўшада тартиб берилгани аниқ.

Бовурчи — Аррафот тоғининг энг баланд чўққиси. «Бовурчи» маҳаллий халқ тилида «Ошпаз» деб изоҳланади. Бовурчи чўққисининг адоғида «Ошхона» деган зиёратгоҳ бор. Чўққининг тагидаги тепаликда жойлашган «Ошхона» тош девор билан айлантирилган, яккам-дуккам ёғочлар қоқилган, баъзиларига туғ ўрнатилган. Одамлар бу ерни зиёрат қилишади.

«Ошхона»дан яна баландга — Бовурчининг энг юқори чўққисига чиқиб бориш мумкин. Зиёратчи фақат белидаги қувватмадорини, юрак кучини чамалаб кўриши керак. Шу боис бу юксакликка кўтарилиши учун ҳамманинг ҳам юраги бетламайди. Айниқса, «Ошхона» зиёратига ҳамроҳ бўлиб борган кексалар шу ерда ёшларга оқ йўл тилаб қолишади. Чапдаст йигитлар типпа-тик қояга ўрмалаб чирмашади. Қўл етгудек бўлиб кўринган чўққига кўтарилиши учун камида 5-6 соат вақт кетади. қорли чўққилар кўзга аниқ кўрина бошлайди. Бу жойларда абадий қор бор, бу йилгиси эримай, янгиси тушади.

Аллоҳ қудратини ва санъатини кўз-кўз қилувчи бу жойлар денгиз сатҳидан 3,5-4 минг метр баландда. Бу баландликда тоғларнинг яшил сирғаси бўлмиш арчалар ҳам камёб. Бу юксакликка фақат пок кишиларгина кўтарилади. Бу қоялар — чўққилар устида турган киши ўзини ниҳоятда бардам, улуғвор сезади, олам узра ўзини эркин ҳис қилади, Аллоҳнинг бетимсол қудратига иймон келтиради.

Бу юксаклик мақомига эришган кишининг кўзига пастдаги ҳамма нарса — шаҳарлар ҳам, дарёлар ҳам, мол-мулклар ҳам ниҳоятда арзимас бўлиб кўринади. Соҳибқирон ҳазратлари айни куч-қувватга тўлган, авжи йигитлик йилларида шу чўққилардан пастликларга разм солган.

Тақдирини Аллоҳга топширган Соҳибқирон катта ҳаётга қадам қўйиш арафасида шу Аррафот тоғлари қояларидан пастликларга назар ташлаб, ота маконда юрт мустақиллиги, ягона давлат — салтанат тузиш, туркий султонлар пойтахти қадим Самарқандни, ота макон шаҳри Кешни дунёнинг гавҳар шаҳарларига, Мовароуннаҳрни дунёнинг гавҳарига айлантиришни улуғ ният қилгандир.

Аррафот тоғидаги лашкаргоҳдаги илоҳий иноят Соҳибқирон руҳиятига кўчди, бу руҳият эса ул зотга бир умр енгилмас куч-қувват, ирода, зеҳн-заковат ато этди! Соҳибқирон борлиғининг, мислсиз барқарорлигининг, енгилмас кучқудратининг, ниҳоят ул зотнинг абадий барҳаётлигининг манбаси — асоси Аррафот тоғининг шу юксак чўққиларида унинг нияти ва ҳимматига яраша Аллоҳ томонидан инъом этилган гўзал руҳиятдир.

Рақиблар кўзидан пана, Аррафот тоғи Соҳибқирон учун чинакам синов майдони бўлган. Бу ерларда Соҳибқирон ҳарбий машқлар ўтказган, лашкарни чиниқтирган. Кенг майдонлар, тик қоялар, бандаргоҳлар Соҳибқирон лашкарининг отлари дупуридан, сипоҳийларнинг ҳайқириқларидан гувоҳлик беради. Мудроқ тоғларнинг юраги абадий уриб турганидек, Аррафот тоғининг хилват гўшалари Соҳибқирон мангу шон-шавкатидан, унинг абадиятидан ҳали-ҳануз акс-садо бериб турибди...

**Ғуломхон ҒАФУРОВ,**
**филология фанлари номзоди.**

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги «Шерзод ва Санжар ўғли» хусусий фирмаси тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти томонидан 1988 йил 16 майда Жигастова Ольга Валентиновна номига берилган НВ 926251 рақамли йўқолган диплом бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги жамоаси республика «Пилла» уюшмаси бошқаруви раиси С. Наврўзовга падари бузруквори **Наврўз ҚАҲҲОРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


*Хўжалик ветеринарлари, фермерлар, аҳоли диққатига*

**ЧОРВА МОЛЛАРИГА ДОРИ КЕРАКМИ? КЎМАККА ТАЙЁРМИЗ!**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигининг давлат Ветеринария бош бошқармасига қарашли «Ветдори» фирмаси Тошкентдаги омборидан банк орқали пул ўтказиш йўли билан ёки векселга чет элда ишлаб чиқарилган юқори самарали қуйидаги ветеринария препаратларини сотмоқда:

— ПРОТЕИД — Америка Қўшма Штатларидаги «Цианамид» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган бу дори микроэмульсия кўринишида бўлиб, қорамол, қўй-эчкилар касалликларга чалинишининг олдини олиш, уларни турли зараркунанда ва ҳашаротлардан муҳофаза этиш мақсадида қўлланилади. Мазкур препарат юқорида қайд этилган чорва молларини зооветеринария талабига биноан чўмилтиришда қўлланиладиган янги восита ҳисобланади. 1 литр препарат эмульсиясини 1 тонна сувга аралаштириб, чўмилтириш воситаси тайёрланади.

Чорва молларида учрайдиган кана, сўна ва бошқа сўрувчи зараркунандаларга қарши курашда фойдаланиладиган бу янги препарат ҳозиргача қўлланилиб келинган бошқа дорилардан кўпгина афзалликлари билан ажралиб туради. Хусусан, препарат таркибидаги альфациперметрин ва супон моддаларининг ўзаро кучли бирикуви ҳисобига самарадорлик даражаси ғоят ошади. Шунингдек, чорва молларини чўмилтириш учун мўлжалланган эмульсияни ваннадан ёки бошқа ҳавзадан ҳар куни тўкиб ташлашга ҳожат йўқ. Ундан узоқ вақт давомида фойдаланиш мумкин. Бу — дорини иқтисод қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш имконини беради. Чорва моллари терисига салбий таъсир этмайди. Шу сабабли терисида очиқ яраси бор молларни, соғин сигирларни, бўғоз ва ёш жониворларни ҳам бемалол чўмилтириш мумкин.

Протеид препарати эмульсиясини тамомила ишлатиб бўлгандан сўнг ундан чорвачилик биносига канага қарши ишлов беришда фойдаланиш тавсия этилади.

ЦИДЕКТИН — чорва молларини ташқи ва ички томондан сўрувчи, улар ҳисобига яшовчи гижжа, қурт сингари паразит зараркунандаларга қарши қўлланиладиган янги препарат ҳисобланади. Бу дори 1 фоизлик аралашма сифатида чиқарилиб, чорва моллари териси орасига укол қилишга мўлжалланган. Бир марта укол қилиш кутилган натижани олиш учун кифоядир.

Мазкур янги дори узоқ вақтгача самарали таъсир этиш кучига эга. Хусусан, ҳар 25 килограмм тирик вазн ҳисобига 0,5 миллиграмм дозасида бир марта қилинган укол қурт ва гижжаларни 35-42 кун давомида, канани эса 56 кунгача даф қилиб туради. Бундай паразитларга ва зараркунандаларга қарши цедектин препарати ёрдамида самарали кураш чорва моллари маҳсулдорлигини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, «Ветдори» фирмаси турли антибиотикларни, витаминларни, чорва моллари нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш аъзоларида учрайдиган касалликларни даволашда қўлланиладиган дориларни, биопрепаратларни ҳам сотиб олишни таклиф қилади.

**Фирма манзили: 700022, Тошкент, Қушбеги кўчаси 22-уй.**
**ёки Тошкент, Марказ-15, 12-уй, 1-квартира.**
**Телефон (факс)лар: 41-08-66; 56-59-91.**



TNT PRODUCTION INC. | TNT PRODUCTION INC. | TNT PRODUCTION INC.

**ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ ИККИНЧИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ**

CONSUMER EXPO

Uzbekistan

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ», 4-, 5-ПАВИЛЬОНЛАР

1996 ЙИЛ 5-8 НОЯБРЬ ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Кўргазмада қуйидаги мамлакатлардаги етакчи фирма-ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари намойиш этилади:

| | | | |
|---|---|---|---|
| АҚШ | ГЕРМАНИЯ | ФРАНЦИЯ | ИТАЛИЯ |
| АНГЛИЯ | ИСПАНИЯ | ДАНИЯ | БЕЛЬГИЯ |
| АВСТРИЯ | ГОЛЛАНДИЯ | ТУРКИЯ | ВЕНГРИЯ |
| ГРЕЦИЯ | СИНГАПУР | ГОНКОНГ | ЧЕХИЯ |
| ҲИНДИСТОН | ШВЕЙЦАРИЯ | БАА | ЯПОНИЯ |

**Кўргазмада қатнашиш юзасидан буюртмаларни қуйидаги факслар орқали йўллашингиз мумкин: 7 (37-12) 33-05-97; 89-16-76. Халқаро телефон: (37-12) 89-16-76.**

**Почта яшиги: Америка бизнес-маркази (АВС). Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**

**Қўшимча ахборотлар юзасидан қуйидаги факс-телефон орқали мурожаат этинг: 7 (37-12) 62-97-57.**



Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Расулмат ҲУСАНОВ, Мирзажон ИСЛОМОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ХОМИЙ: «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат—ширкат қўмитаси

«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Деҳқончилик бўлими — 36-56-35, 36-54-51. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 36-56-34. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 36-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 36-54-52.

Рўйҳатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 0565, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 19.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.